
Ёзёвон фермерлари учун аллақачон баҳор бошланган. Дала майдонлари атрофидаги дов-дарахтларни буташ, оқлаш ишлари қилиняпти

6600 гектар майдонга буғдой эккан фермерларимиз, „ Фарғона дон“, „ Баҳромбек“ дончилик кластерлари билан шартнома имзолашган. Айни пайтда биринчи ўғитлаш авжида. Бор имкониятлардан фойдаланаётган фермерлар техника, пайкал нам бўлса, қўл кучи билан, вақтни ғанимат билишиб, тунда ҳам ўғитлашяпти. Туман қишлоқ бўлимидан олинган маълумотга кўра, шу кунга қадар 4557 гектар ёки 69 фоиз майдондаги буғдой майсалари камида 150 кг карбамид билан ўғитланди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-02-27 11:38:39